



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 9 - aprel

677n -son

Bog‘ot shaharchasi

Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ““Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли қарорининг ижроси ҳақида”ги 109қ-сонли қарорининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ““Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли ва бу юзадан вилоят ҳокимининг 2021 йил 6 апрелдаги 109қ-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонуннинг 6,25-моддаларига асосан

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ““Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли ва бу юзадан вилоят ҳокимининг 2021 йил 6 апрелдаги 109қ-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг мазкур қарори билан:

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳолини уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари 1-иловага;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ички йўллар, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими, электр энергияси ҳамда газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 2-иловага;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ирригация, алоқа ва ахборотлаштириш тизимларини яхшилаш, спорт ва болалар майдончалари барпо этиш, қишлоқ ва маҳаллалар кўчаларини ободонлаштириш параметрлари 3-иловага;

“Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ижтимоий соҳа объектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, маҳалла гузарларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда уй-жой фондидини яхшилаш параметрлари 4-иловага;

“Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жамоат транспорти, маиший чиқиндилар билан ишлаш тизими ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 5-иловага;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 6-иловага;

ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш параметрлари 7-иловага;

паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш параметрлари 8-иловага;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 9-иловага;

кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш параметрлари 10-иловага;

туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий кифасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш параметрлари 11-иловага;

ирригация объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 12-иловага;

газ таъминоти тизимини яхшилаш параметрлари 13-иловага;

алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантириш параметрлари 14-иловага;

ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 15-иловага;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, маҳалла гузарлари ҳамда маданият марказларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 16-иловага;

жамоат транспорти ва маиший чиқиндилар билан ишлаш инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 17-иловага;

кишлоқ ва мақаллалар кўчаларини ободонлаштириш параметрлари 18-иловага;

спорт ва болалар майдончалари барпо этиш параметрлари 19-иловага;

уй-жой фондидини яхшилаш параметрлари 20-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туманда “Қумбодок” ва “Обод” маҳаллаларида “Обод маҳалла” дастурини амалга оширишни ташкил этиш буйича тузилган ишчи штаби таркиби 18-ва 18 А-иловаларига мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокими ўринбосари А.Қуръязов, туман архитектура ва қурилиш бўлими Ф.Қурбонов билан биргаликда:

2021 йил 15 апрелга қадар кишлоқ ва маҳаллаларда йўл-транспорт ва муқандислик - коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурига мувофиқ объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини;

Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳажми ва смета қийматларининг асоссиз равишда ошириб юборилмаслиги устидан назорат ўрнатилишини;

Дастурларга киритилган маҳаллаларнинг бош режа схемалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳудудий лойиҳа ташкилотлари томонидан олдиндан ишлаб чиқилишини ва улар билан боғлиқ тадбирларнинг тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини;

ҳар ҳафта якуни билан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича туман Ишчи штабига Дастурлар доирасида бажарилган ишлар ва молиялаштирилган маблағлар бўйича ахборот киритиб борилишини таъминласин.

5. Туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (С.Қурбонов), туман молия бўлими (Ж.Рўзметов) ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда 2022 йил ва келгуси йиллар учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини тегишли йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури билан бир вақтда ва уйғунлашган ҳолда шакллантирсин ҳамда уларни молиялаштириш учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

Бунда, ҳар йили 20 апрелга қадар туман халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига асосан келгуси йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритиладиган қишлоқ ва маҳаллалар рўйхатини, шунингдек, уларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармасига киритиш чораларини кўрсин.

6. Туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилган объектларда қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши сифати, шунингдек, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

7. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича туман Ишчи штаби (С.Қурбонов) ҳар ой якуни билан “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссиясига дастурлар доирасида бажарилган ишлар ва молиялаштирилган маблағлар бўйича ахборот киритиб борсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев